

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”
Малака ошириш тармоқ маркази
директори
Доц. Баймаков С.Р.

“ _____ ” _____ 2015 йил

**Тиббий - профилактик блок фанлари профессор–ўқитувчиларини
“Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда ўқув-услубий таъминот” модули
буйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Ўқувчилар:

**Доц. Матназарова Г.С.
Мустанов А.Ю.**

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
КАЛЕНДАР РЕЖА	5
МАЪРУЗА МАТНИ	6
1-МАВЗУ. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси хақида тушунчалар.....	6
2-МАВЗУ. Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.	14
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	17
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	22
ГЛОССАРИЙ.....	24

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу дастур тиббий –профилактик блок фанлари профессор – ўқитувчиларини “Тиббий-профилактик фанларни ўқитишда ўқув-услубий таъминот” модули бўйича малака ошириш тингловчиларига (профессорлар, доцентлар, ассистентларга,) дарс беришга мўлжалланган.

Модулнинг мақсади.

Ўқитишнинг замонавий интерактив усулларига, мультимедия технологияларига қатъий эътибор берилди. Тингловчилар учун мавзунини тугатишдан кейин бажариш учун бир қатор методик йўналишда қўлланмалар тавсия қилинади.

Олий таълим тизими педагогларининг касбий мутахассисликни эгаллаган бўлиши, давлат тингловчилар билиши, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билиши ва амалда қўллаш олиши, Тингловчи шахси ва унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришуви ва олий таълим тизимида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва таълимнинг интерфаол усулларини қўллаш олиши, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдалана олишга ўргатиш дастурнинг асосий мақсадини белгилаб беради.

Модулнинг вазифалари

Профессионал, пухта билимли, ижтимоий фаол, ижодий педагог шахсини шакллантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларини яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш асосида педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини келажакдаги ривожланишидир. Ўқув жараёнига жорий қилинган ўқиш-ўқитишни янги интерактив усуллари билан танишиб олиш.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва замон талабларига мослаштириш.

Узлуксиз таълим тизими, давлат ва ижтимоий буюртмалар, ўқитиш принциплари ва қонуниятлари, ўқитиш жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги, олий ўқув юрти ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар. Ижтимоий педагогика, педагогик психология, таълим психологияси, педагогик маҳорат, қобилят.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

1. педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
2. таълим соҳасидаги инновацияларни;
3. жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
4. Педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
5. мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
6. ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
7. замонавий таълим методларини;

8. электрон педагогика асосларини;
9. педагогик маҳорат асосларини билишлари керак.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	жами	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Тиббий профилактика иши фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси ҳақида тушунча унинг ахамияти мавзусида ўқитишнинг янги технологиялари.	8	6	2	4		2
2.	Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.	8	6	2	4		2
	Жами:	16	12	4	8		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тиббий профилактика иши фанларини ўқитишда ўқув-услубий таъминот. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси ҳақида тушунчалар асосида ўқитишнинг янги технологиялари.

Режа:

1. Касалликларни ўрганишдаги эпидемиологик ёндошиш.
2. Парентерал механизм билан юқадиган юқумли касалликлар ҳақида тушунча.
3. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар ҳақида тушунча.
4. Паразитар касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар.
5. Ҳарбий эпидемиологиянинг назарий ва услубий асослари.

2-мавзу. Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.

Режа:

1. Ўқув жараёнини юқори сифатли мазмуни ва моҳияти.

2. Кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Госпитал шароитларда эпидемик жараён ривожланишининг хусусиятлари.
2. Организмнинг мойиллигига қарши қандай чора-тадбирлар.
3. Аҳолининг касалланишини камайишида вакцинациянинг роли.
4. Юқумли касалликлар профилактикасида МСБ нинг аҳамияти.
5. Эпидемик жараённинг таърифи, тушунчаси ва унинг моҳияти.
6. Ахборотларни йиғиш ва ишлов беришда махсус усулларнинг роли.
7. Аналитик, кузатиш ва экспериментал, ретроспектив ва динамика кузатишлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий

1. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. - Санкт Петербург, 2006. – 746 с.
2. Покровский В.И. и др. Инфекционные болезни и эпидемиология. - М.: «ГЭОТАР-Медиа», 2008. – 813 с.
3. Покровский В.И., Брико Н. И. Руководство к практическим занятиям по эпидемиологии инфекционных болезней. - М.: «ГЭОТАР-Медиа», 2005. – 794 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Bonita R. et al. Basic epidemiology, 2nd edition. – WHO, Geneva: WHO Press, 2006. – 225 p.
2. Epidemiology: Beyond the Basics. Moyses Szklo, F.Jovier Nieto. Not Avail; 2nd edition, 2006. 550 pages.

Интернет маълумотларн:

Ўз.Рес.ССБ веб-сайт WWW.minzdrav.uz;
ТТА сайти – WWW.tma.uz. <http://web.tma> ТМА Wi-Fizone ZiyONet; кафедра-E_mail:
epidem@ru

2. Календар режа

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
	Ҳозирги замон тиббий таълим тизими ва соғлиқни сақлаш амалиётида эпидемиология фанининг тутган урни. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси ҳақида тушунча мавзусида ўқитишнинг янги технологиялари.	маъруза	2	ойнинг учунчи ҳафтаси
	Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш	маъруза	2	ойнинг учунчи ҳафтаси

--	--	--	--	--

МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу. Ҳозирги замон тиббий таълим тизими ва соғлиқни сақлаш амалиётида эпидемиология фанининг тутган урни. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси ҳақида тушунчалар асосида ўқитишнинг янги технологиялари. (2 соат)

Режа:

1. Касалликларни ўрганишдаги эпидемиологик ёндошиш.
2. Парентерал механизм билан юқадиган юқумли касалликлар ҳақида тушунча.
3. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар ҳақида тушунча.
4. Паразитар касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар.
5. Ҳарбий эпидемиологиянинг назарий ва услубий асослари.

Таянч иборалар

Эпидемиологияда ижтимоий омил;

Эпидемиологияда табиий омил

Эпидемия;

Юқумли касалликлар;

Юқумли касалликлар қўзғатувчилари;

Юқумли касалликлар таснифи;

Юқумли касалликлар эпидемиологияси, харбий эпидемиология фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материаллар ҳамда замонавий ёруғлик микроскопи, видеотизимлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишда илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Юқумли касалликлар эпидемиологияси, харбий эпидемиология фани юқумли касалликлар эпидемиологияси, профилактикаси ва эпидемияга қарши хизматнинг тузилиши, унинг ташкиллаштириш хусусиятлари, юқумли касалликлар таснифи, эпидемиологияси ва профилактикасининг умумий принциплари. Юқумли касалликлар билан оғриган беморларни касалхонага ётқизиш қоидалари. Юқумли касалхонанинг жойлашиш тартиби ҳақидаги билимлани ўзлаштиришдан иборат..

Касалликларни ўрганишдаги эпидемиологик ёндошиш

Эпидемиологик текшириш усулининг умумий таснифи ва унинг таркиби. Эпидемиологик ташхис усуллари ва эпидемиологик ташхис босқичлари. Сабаблилик ҳақидаги замонавий тушунчалар. «Сабаб», «шароит», «хавфли омил» ва «сабабий-оқибат боғланиши» Хавфли омилнинг ижтимоий ва табиий муҳит элименти сифатидаги роли. Аҳолининг касалланиши умумий кўриниш сифатида ва инсон саломатлиги ҳолатининг статистик мезони сифатида – эпидемиологиянинг асосий текшириш предмети ҳисобланади. Аҳолининг

саломатлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш учун керак бўлган эпидемиологик ахборотларни олиш. Ёзма ахборот – аҳоли гуруҳларида вақт ҳисоби бўйича, касаллик келиб чиққан жой ва индивидуал белгиларини ҳисобга олган ҳолда ажратилган касалланишнинг учраш даражаси асосидаги тақсимланиши хусусиятлари. Аналитик ахборот – касалланишнинг хавфли омиллар билан сабаб-оқибат бўйича боғлиқлиги. Эпидемиологиянинг шартли равишда «ёзма» ва «аналитик» эпидемиология бўлимларга бўлиниши.

Эпидемиологик текширув

Эпидемиологик текшириш ва эпидемиологик таҳлил терминлари, эпидемиологик билим олишни акс этадиган услубдир. Эпидемиологик текшириш предмети ва мақсадининг эпидемиологиянинг предмети ва мақсади билан мослиги. Эпидемиологик текширишларнинг инфор­мацион таъминланиши. Эпидемиологик текширишларда умумий илмий услублардан фойдаланиш – анализ, синтез, индукция, дедукция, абстрактлаштириш ва бошқалар; Эпидемиологик текширишларда умумий илмий усуллардан фойдаланиш – кузатиш, эксперимент, мантиқий усул (фараз-гипотеза усули). Ахборотларни йиғиш ва ишлов беришда махсус усулларнинг роли. Эпидемиологик текшириш типлари. Ёппасига, танлаб олиш, «таърифлаш» ва «аналитик», кузатиш ва экспериментал, ретроспектив ва динамик. Айрим эпидемиологик текшириш турларининг боғлиқлиқлиги, қўлланиш соҳаси, ижобий томонлари ва камчиликлари. Эпидемиологик текширишларни акс эттирадиган бошқа терминлар.

Эпидемик жараён ҳақидаги таълимот

Эпидемик жараённинг таърифи, тушунчаси ва унинг моҳияти. Инфекцион жараён ва юқумли касалликлар ҳақида тушунча. Эпидемик жараённинг узилмас занжирсимон узвий боғланган уч бўғинининг мавжудлиги: юқумли касаллик кўзгатувчисининг инфекция манбаи, ўтказиш механизми ва аҳолининг мойиллиги. Инфекция манбаи – эпидемик жараённинг ривожланишини ва узликсизлигини таъминлайдиган биринчи зарурий бўғин. Турли инфекцион касаллик шаклларида (типик ва атипик шакллар) одамнинг инфекция манбаи сифатидаги роли. Турли инфекция манбаларининг потенциал ва реал хавфлилигини белгилайдиган омиллар. Эпидемик жараённинг ривожланишида беморлар ва турли категориядаги бактерия ташувчиларнинг инфекция манбайи сифатидаги роли. Ҳайвонларнинг инфекция манбаи сифатидаги аҳамияти. Факультатив паразитлар келтириб чиқарган касалликларда, ташқи муҳит объектларининг кўзгатувчилар учун резервуар вазифасини бажариши. Антропоноз, зооноз ва сапроноз касалликлар ҳақида тушунча. Эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган кемирувчилар, ҳайвонлар ва қушларнинг экологик ва биологик хусусиятлари. Юқиш механизми – эпидемик жараённинг ривожланишини ва узлуксизлигини таъминлайдиган иккинчи зарурий бўғин. Юқиш механизмининг таърифи, босқичлари ва типлари. Тарқатиш йўллари ва омиллари. Вертикал юқиш механизми. Трансплацентар зарарланиш йўли ва туғуруқ йўларидан ўтишда зарарланиш ҳоллари. Мазкур юқиш механизми учун камдан-кам учрайдиган тарқатиш йўллари ва омиллари орқали кечадиган юқиш механизмининг имкониятлари. Антропоноз, зооноз ва сапроноз касалликларига механизм тушунчасини қўллаш имкониятлари. Антропоноз, зооноз

ва сапроноз касалликлари билан одамларнинг зарарланиш механизмининг турли-туманлиги. Ҳашоратларнинг эпидемиологик классификацияси. Ҳашоратларнинг юқумли касаллик қўзғатувчиларини тарқатиш омили сифатидаги эпидемиологик аҳамияти. Бурганинг қизил ўнгачида «ўлат блоки» ҳосил бўлиш феномени. Аҳолининг мойиллиги – эпидемик жараённинг ривожланишини ва узлуксизлигини таъминлайдиган учинчи зарурий бўғин. Организмнинг махсус иммунитет ва махсус бўлмаган ҳимоя омилларининг инфекция ва эпидемик жараёнларга таъсири. Аҳолининг иммун таркиби, уни табиий ва сунъий ҳосил қилиш йўллари. Эпидемик жараён таълимотининг асосий бўлимлари (эпидемик жараённинг омиллари; эпидемик жараённинг ривожланиш механизми; эпидемик жараённинг намоён бўлиши). Эпидемик жараённинг ҳаракатга келтирувчи кучлари: биологик, ижтимоий ва табиий омиллар. Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми ва инфекциянинг тарқатилиши. Эпидемик жараённинг намоён бўлиши кўринишлари.

Эпидемик жараённинг ривожланишида ижтимоий ва табиий шароитларнинг роли

Юқумли касалликларнинг қўзғатувчилари ҳаётининг фаолиятларига, у ёки бошқа тарқатиш йўллари, шунингдек аҳолининг мойиллигининг ошишига ёки пасайишига таъсир этиш ёки қаршилик қилиш орқали, эпидемик жараённинг фаоллашиши ёки тўхтатишига олиб келадиган ижтимоий муҳитнинг конкрет элементлари. Эпидемик жараённинг фаоллашиши ёки тўхтатишига таъсир этадиган ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик элементлари мажмуаси. Антропоноз, зооноз ва сапроноз касалликлар эпидемик жараёнига табиий омилларнинг таъсир этиш хусусиятлари.

Эпидемик жараённинг ривожланишида эпидемиологик назарияларнинг роли

Эпидемик жараённинг ривожланиш механизмини тушунтиришда назарий умумлашмаларнинг тутган ўрни (академик Л.В.Громашевскийнинг ўтказиш механизми таълимоти назарияси, академик Е.Н.Павловскийнинг табиий ўчоқлик таълимоти назарияси, академик В.Д.Беляковнинг эпидемик жараённинг ички регуляцияси назарияси ва академик Б.Л.Черкасскийнинг эпидемик жараённинг ижтимоий-экологик концепцияси).

Эпидемик жараённинг намоён бўлиши

Эпидемик жараённинг намоён бўлишини тавсифловчи анаънавий эпидемиологик тушунчалар: эндемик ва экзотик касалланиш; спорадик, эпидемик авж олишлар, эпидемик, пандемик касалланиш ва бошқалар. Юқумли касалликларнинг худудлар бўйича тақсимланиши. Юқумли касаллик билан касалланиш таркибининг аҳоли гуруҳлари бўйича тақсимланиши. Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси. Касалланишнинг эпидемик тенденцияси, циклик кечиши ва нотекис тебранишлари ва уларнинг табиати. Касалланишнинг йиллик динамикаси. Мавсумийликнинг намоён бўлиши. Эпидемик жараённинг даврийлиги. Эпидемия типлари. Эпидемиологиянинг асосий қонуниятлари.

Эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш асослари

Юқумли касалликлар эпидемик ўчоғи ва унда ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар. Эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш асослари. Чора-тадбирларнинг инфекция манбаи, ўтиш механизми ва аҳолининг мойиллиги йўналлишлари бўйича гуруҳланиши. «Сифат» ва «самарадорлик» тушунчаларининг эпидемияга қарши чора-тадбирларда қўлланилиши. Эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш асослари. «Санитар-эпидемиологик назорат» ва «эпидемияга қарши тизим» тушунчаларининг таърифи. Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик хизмати. Санитария-эпидемиологик хизматни ташкил қилишга қўйиладиган асосий тамойиллар. Юқумли касалликлар профилактикасида даволаш-профилактик ва санитария-эпидемиологик муассасаларининг тутган ўрни ва аҳамияти. Поликлиника юқумли касалликлар кабинетининг (ЮКК) профилактик ва эпидемияга қарши ишларни (ЭҚИ) ташкиллаштириш хусусиятлари. Худудий врач-терапевт ва юқумли касалликлар кабинети врач-инфекционистнинг поликлиника шифокорлик худудларида олиб борадиган профилактик ва эпидемияга қарши ишлари (ЭҚИ). Юқумли касалликлар кабинети, унинг таркиби, вазифалари ва ишлаш тартиби. Умумий амалиёт шифокорининг ичак, ҳаво-томчи, паренте-рал, карантин ва ўта хавfli инфекцияларда амалга оширадиган эпидемияга қарши ишлари. Эпидемик ўчоқда ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирлар. Инфекция манбаига қаратилган эпидемияга қарши чора-тадбирлар: даволашжратиб қўйиш, тартибли-чекловчи чора-тадбирлар ва диспансеризация. Зооноз касалликларда: санитария-ветеринария, дератизация ва бошқалар. Ўтиш механизмини узишга қаратилган эпидемияга қарши чора-тадбирлар: санитария-гигиеник, дезинфекцион, дезинсекцион, стерилизацион чора-тадбирлар, эпидемик ўчоқда жорий дезинфекция ўтказиш ва уни ташкиллаштириш. Эпидемик ўчоқдаги мойил организмларга, яъни беморлар билан мулоқотда бўлган шахсларга нисбатан олиб бориладиган чора-тадбирлар: тиббий назорат, бактериологик текшириш ва шошилиш профилактика. Юқумли касалликларни рўйхатга олиш ва ҳисоботи ҳужжатлари. Поликлиникада тиббиёт инструментарини марказлашган стерилизациясини ташкиллаштириш хусусиятлари. Поликлиниканинг марказий стерилизация бўлими (МСБ) ишларини ташкил қилиш. Юқумли касалликлар профилактикасида МСБнинг аҳамияти. Юқумли касалликларни олдини олишда профилактик тиббиётнинг тутган ўрни. Туман Давлат санитария-эпидемиология марказининг (ДСЭНМ) ташкилий таркиби. Юқумли касалликлар профилактикасида ДСЭНМнинг роли. ДСЭНМ эпидемиологик бўлимида профилактик ва эпидемияга қарши ишларни ташкил қилиш хусусиятлари.

Юқумли касалликлар махсус профилактикаси

Иммунопрофилактиканинг умумий масалалари. Иммунопрофилактиканинг эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизимида тутган ўрни, айрим юқумли касаллик гуруҳлари профилактикасидаги аҳамияти. Аҳолининг актив ва пассив иммунизацияси. Вакцина препаратларининг типлари ва турлари, уларнинг тавсифи. Эмлаш турлари: режали ва эпидемик кўрсатмага асосан. Вакцина реакциялар. Вакцинациядан кейинги асоратлар ва уларнинг профилактикаси.

Эмлашга монеликлар. Аҳолининг мойиллиги. Аҳолининг иммун таркиби, уни табиий ва сунъий ҳосил қилиш йўллари. Иммунпрофилактика ишини ташкил қилиш. Профилактик эмлаш календари. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) иммунизацияни кенгайтирилган дастури Режали профилактик эмлашни ташкиллаштириш босқичлари. Эмлаш препаратларини сақлаш шароити ва транспортировкаси, «совуқлик занжири» тушунчаси. Эмлаш тадбирларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш илмий-методик асослари. Аҳолининг касалланишини камайишида вакцинациянинг роли. Аҳоли иммунитетининг эпидемик жараён ривожланишидаги аҳамияти. Эмлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Ичак гуруҳи инфекцияларининг эпидемиологик тавснифи

Ичак гуруҳи инфекцияларининг умумий характеристикаси. Ўтказиш механизми хусусиятлари. Эпидемик жараённинг намоён бўлиши. Ижтимоий ва табиий шароитларнинг эпидемик жараённинг ривожланишидаги аҳамияти. Касалликларнинг мавсумийлиги. Касалланишнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида кузатилиш хусусиятлари. Шифохона шароитида ичак гуруҳи инфекцияларининг эпидемиологик хусусиятлари. Профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар. Юқиш механизмини узишга қаратилган чора тадбирларнинг аҳамияти. Эпидемияга қарши йўналишдаги санитария-гигиеник чора тадбирлар. Энг кўп тарқалган касалликларнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ), ич буруғ, сальмонеллезлар, тифопаратиф касалликлари (ТПК) ва бошқалар. Ичак гуруҳи инфекцияларида эпидемиологик назоратнинг асосий йўналишлари.

Вирусли гепатитлар эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари

Вирусли гепатитларнинг этиологияси. Фекаль-ораль механизм билан юқадиган вирусли гепатитларнинг эпидемиологик хусусиятлари (ВГА, ВГЕ). Эпидемик жараённинг намоён бўлиши. Ижтимоий ва табиий шароитларнинг эпидемик жараённинг ривожланишидаги роли. Касалланишнинг мавсумийлиги. Эпидемик ўчоқда ўтказиладиган чора тадбирлар. Касалланиб чиққанларни диспансеризацияси.

Парентерал механизм билан юқадиган инфекцион касалликлар

Парентерал механизм билан юқадиган вирусли гепатитларнинг (В, С, D, F, G. ва ҳ.к.) этиологик ва эпидемиологик хусусиятлари. Касалланиб чиққан шахсларнинг диспансеризацияси. HBsAg – ташувчиликка хавfli контингентларни текшириш. Вирусли гепатит В ва бошқа посттрансфузион гепатитлар профилактикаси. Парентерал йўл орқали тарқаладиган юқумли касалликлар устидан ўтказиладиган эпидемиологик назорат хусусиятлари. Вирусли гепатитларнинг иммунопрофилактикаси. Вирусли гепатитлар вакцинопрофилактикасини ташкиллаштириш хусусиятлар ва унинг аҳамияти.

ОИТВ/ОИТС (Одам Иммун Танқислиги вируси (Орттирилган Иммун Танқислиги Синдроми) инфекцияси

ОИТВ (ВИЧ) инфекцияси кўзгатувчисининг эпидемиологик характеристикаси. Жаҳон миқёсида ОИТС инфекцияси билан касалланишнинг замонавий ҳолати. Инфекция манбайи ва зарарли даврининг давомийлиги. ОИТВ инфекциясининг юқиш механизми. Зарарланиш хавфи юқори бўлган контин-

гентлар. ОИТВ инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари. Клиник ва лаборатория ташхиси. Профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар.

Нафас йўли инфекцияларининг эпидемиологияси ва профилактикаси

Нафас йўли гуруҳи инфекцияларининг эпидемиологик характеристикаси. Гуруҳнинг умумий таснифи. Эпидемик жараённинг намоён бўлиши. Юқиш механизми хусусиятлари. Организмнинг мойиллиги. Касалланишнинг даврийлиги, мавсумийлиги. Ижтимоий ва табиий шароитларнинг эпидемик жараённи ривожланишидаги роли. Касалланишнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида кузатилиши. Иммунопрофилактика воситалари ёрдамида бошқариладиган инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари. Энг кўп тарқалган нафас йўли гуруҳи инфекцияларининг профилактикаси: дифтерия, қизамиқ, кўк йўтал, скарлатина, грипп, ЎРВИ, сув чечак, эпидемик паротит, қизилча, стрептококк инфекцияси, туберкулез ва бошқа нафас йўли инфекцияларининг мазкур ҳудуд учун актуаль бўлган турлари. Нафас йўли инфекцияларида иммунопрофилактиканинг аҳамияти.

Госпитал инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси

Госпитал инфекциялар таърифи. Даволаш профилактика муассасаларида инфекция билан курашиш, беморлар ва тиббиёт ходимлари соғлиқларини сақлашнинг асосий таркибий қисми сифатидаги роли. Инфекциянинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти. Госпитал шароитларда эпидемик жараён ривожланишининг хусусиятлари. Касалхона ичи инфекцияси манбаи, тарқалиш йўллари ва омиллари. Госпитал инфекциялар этиологик ва эпидемиологик классификацияси. Касалхона ичи инфекцияси қўзғатувчиларининг госпитал штаммини шаклланиши. Парентерал механизм билан юқадиган инфекциялар (В, С, D вирусли гепатитлар; ВИЧ-инфекцияси, цитомегаловиру с, герпетик инфекциялар, захм ва бошқалар). Госпитал инфекцияларда ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар. «Инфекцион назорат» тушунчаси. Унинг касалхона ичи инфекцияси профилактикасидаги аҳамияти.

Карантин ва ўта хавфли инфекциялар. (Вабо, ўлат, куйдирги, геморрагик лихорадка ва бошқалар)

Карантин ва ўта хавфли инфекциялар (ЎХИ) тушунчаси таърифи. Карантин ва ўта хавфли инфекциялар тўғрисидаги замонавий тасавур. Карантин ва ўта хавфли инфекцияларнинг чет давлатлардан олиб келиниши йўллари. Вабо, ўлат ва бошқа карантин ва ЎХИнинг эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабонинг еттинчи пандемияси эпидемиологиясининг ўтган биринчи олти пандемияларга нисбатан қиёсий хусусиятлари. Карантин ва ЎХИлар бўйича профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкиллаштириш принциплари. Халқаро тиббий-санитар қоидалар.

Фавқулотда эпидемик вазиятлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган эпидемик оқибатлар. Экстремал вазиятларда ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш асослари

Фавқулотда эпидемик вазиятлар таърифи тушунчаси ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари. Экстремал шароитларда тарқалган юқумли касалликларнинг эпидемиологик характеристикаси. Экстремал шароитларда шошилиш тиббий

ёрам кўрсатишни ташкиллаштиришнинг асосий принциплари. Фавқулотда эпидемик вазиятларда профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларни ташкиллаштириш асослари. Фавқулотда экстремал эпидемик вазиятларда ўтказиладиган биринчи навбатдаги ҳаракатлар ва юқумли касалликлар эпидемик авж олишлари келиб чиққанда эҳтиёткорлик чора тадбирлари.

Паразитар касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси.

Безгак ва гельминтозлар

Безгак касаллиги кўзгатувчисининг эпидемиологик тавсифи. Безгак касаллигининг дунё бўйича тарқалганлиги. Инфекциянинг чет давлатлардан олиб келиш йўллари. Безгак касаллигининг эпидемик жараёни ва профилактикаси хусусиятлари. Инфекциянинг эндемик ўчоқлари тавсифи ва уларда ўтказиладиган чора тадбирлар. Безгакнинг лаборатория ташхиси. Безгак касаллигининг профилактикасини ташкиллаштириш асослари. Гельминтозларнинг эпидемиологик хусусиятларини белгиловчи биолого-экологик хусусиятлар. Гельминтозларнинг эпидемиологик таснифи. Энг кўп тарқалган гельминтозлар тавсифи. Гельминтозлар эпидемиологияси, лаборатория ташхиси ва эпидемик ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар. Гельминтозлар профилактикаси ва эпидемиологик назоратининг асосий йўналишлари.

Зооноз инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси

Зооноз инфекцияларнинг эпидемик жараёни хусусиятлари. Инфекцион касалликлар билан касалланишлар таркибида зооноз инфекцияларининг тутган ўрни.

Сапроноз инфекциялар эпидемиологияси ва профилактикаси

«Сапронозлар» тушунчасининг таърифи. Кўзгатувчилар экологияси ва улар келтириб чиқарган касалликларнинг эпидемиологик хусусиятлари. Сапроноз инфекцияларга табиий ўчоқлилиқ ҳақидаги таълимотнинг тадбиқ этилиши. Инфекцион касалликлар таркибида сапронозларнинг тутган ўрни. Даволаш профилактик муассасалари шароитида сапронозов касалликлар келиб чиқиши ва тарқалиши хавфи. Сапронозлар касалликларида эпидемияга қарши чора тадбирлар комплекси.

Ҳарбий эпидемиологиянинг таркиби ва вазифалари. Ҳарбий эпидемиологиянинг назарий ва услубий асослари

Ҳарбий эпидемиологиянинг таърифи, мақсади ва вазифалари. Ҳарбий эпидемиологиянинг таркиби. Ҳарбий эпидемиологиянинг асосий бўлимлари уларнинг ва вазифалари. Ҳарбийлар орасида эпидемик касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига таъсир этадиган ҳарбий жамоанинг хусусиятлари. Инфекцион касалликларни ҳарбий қисмларга олиб киритилиши ва фронт ортига олиб чиқиб кетилиши йўллари. Ҳарбий эпидемиологиянинг ташкилий асослари. Ҳарбий ҳолатларда ҳарбийлар ўртасида ўтказиладиган эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш асослари. Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирлар тизими. Тартибли-чекловчи чора тадбирлар таркиби ва категориялари: кучайтирилган тиббий назорат; обсервация; карантин.

Бактериологик (биологик) қурол ва тиббий эвакуация босқичларида ҳарбийларнинг бактериологик қуролга қарши химояси асослари

Бактериологик (биологик) қурол тушунчаси таърифи ва унинг жанговор хусусиятлари тавсифи. Бактериологик қурол индикацияси. Ҳарбийларни бактериологик қуролга қарши ҳимояси ҳақида тушунча. Ҳарбий қисимлар ва улар жойлашган ҳудудлардаги санитар-эпидемиологик ҳолатни баҳолаш мезонлари. Бактериологик ҳолатни баҳолаш ва ҳарбийларни биологик қурол таъсиридан ҳимоялаш ва унинг қўлланилиши оқибатларини йўқотиш тадбир-лари тизими. Тиббий эвакуация босқичларида ҳарбийларни бактериологик қурол таъсиридан ҳимоялашни ташкиллаштириш асослари. Тиббий эвакуация босқичларида юқумли касалликлар билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш асослари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Юқумли касалликлар билан оғриган беморларни касалхонага ётқизиш қоидаларни айтиб беринг?
2. Госпитал шароитларда эпидемик жараён ривожланишининг хусусиятларни нимада?
3. Зооноз инфекцияларда эпидемик жараёнинг ривожланиш сабаблари?
4. Эндемик ўчоқ нима?
5. Организмнинг мойиллигига қарши қандай чора-тадбирлар олиб борилади?
6. Аҳолининг касалланишини камайишида вакцинациянинг роли нимада?
7. Юқумли касалликлар профилактикасида МСБ нинг аҳамияти нимада?
8. Эпидемик жараённинг таърифи, тушунчаси ва унинг моҳияти?
9. Ахборотларни йиғиш ва ишлов беришда махсус усулларнинг роли нимада?
10. Аналитик, кузатиш ва экспериментал, ретроспектив ва динамика кузатишлар қачон олиб борилади?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. «Эпидемиология» Санкт-Петербург
2. Миртазаев О.М. «Эпидемиологиядан ўқув қўлланма», Тошкент – 2003г.
3. Черкасский Б.Л. Инфекционные и паразитарные болезни человека. Москва, 1994
4. Ющук Н.Д., Мартынов Ю.В. Краткий курс Эпидемиологии. Москва, 2005
5. Bhopal R. Concepts of epidemiology.- Oxford University Press., 2003
11. Gordis L. Epidemiology. Philadelphia: Saunders., 1996

Интернет маълумотлар:

Ўз.Рес.ССВ веб-сайт WWW.minzdrav.uz;

ТТА сайти – WWW.tma.uz. <http://web.tma> ТМА Wi-Fizone ZiyONet; кафедра-E_mail: epidem_@ru

2-Мавзу: Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.

Режа:

1. Ўқув жараёнини юқори сифатли мазмуни ва моҳияти.
2. Кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш.

Таянч иборалар

АКМЕОЛОГИЯ;

АКСИОЛОГИЯ;

ДТС;

ИННОВАЦИЯ;

ИНТЕРФАОЛ МЕТОД;

Технологиянинг мақсади: Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу педагогик технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” технологиясидан мъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- машғулот мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Методнинг мақсади: Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- Тренер-ўқитувчи иштирокчиларни миқдор жиҳатдан тенг гуруҳларга ажратади;
- иштирокчиларни тренинг ўтказишга қўйилган талаблар ва бажарилиши зараур бўлган топшириқ шартлари билан таништиради;

➤ тарқатмалар (иловадаги) иштирокчилар гуруҳига берилади ва таклиф этилган чизма асосида қатнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

➤ билдирилган фикрлардан асосий фарқлари ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;

➤ белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига етгач, барча гуруҳларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;

➤ барча гуруҳларнинг якуний хулосалари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гуруҳлар ишини баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.

Методнинг мақсади – мазкур метод нафақат матннинг мазмунини ўрганишга, матн мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга ва ўзлаштирган ахборот, ғоя, ёки фикрларга нисбатан ўз муносабатини ёзма ифода этишга имкон берувчи оддий ва самарали усул бўлиб, ўқувчилардаги шахсий позицияни шакллантиришга ёрдам беради.

Методни ўтказиш тартиби:

➤ иш дафтари вертикал чизиқ бўйича иккига бўлинади.

➤ чап томонга талаба мавзу юзасидан унда таассурот уйғотган, ёққан ёки савол туғдирган цитата, ғоя ёки фикрларини ёзади (масалан, жуда ақлли таъриф, ёки хато туюлиши, ёки маълумотнинг бир қисми далил ёки сабаб ва бошқалар).

➤ ўнг томонда талаба келтирилган цитата ёки фикрга ўзининг шарҳларини ёзади, яъни ўз муносабатини қуйидаги йўналишларда билдиради: Уни бу фикр ёки ғоянинг нимаси қизиқтирди ва ёзиб олишга ундади? Бу нима ҳақда ўйлашга мажбур этди? Бу фикр бўйича у қандай саволларни ўйлади?

➤ матнни ўқиётганида талаба керакли қўшимча фикрларни аниқлаб, кундаликка ёзиб боради.

➤ иш якунлагандан сўнг ўқувчилар жуфтликларда ишлашлари, таҳлилларини алмашишлари, ўртоқлари таҳлилида уларга ёққан фикрни муҳокама этишлари ва кўрсатишлари мумкин.

«Блиц-ўйин» методи

Методнинг мақсади: талабаларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини

«гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълим хақидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?
2. Олий таълим нима?
3. Бакалавриатура нима?
4. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори нима?
5. Ўқув жараёни қайси хужжатлар асосида ташкил қилинади?
6. Квалификацион характеристика нима?
7. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти нима?
8. Ўқув режаси нима?
9. Тасдиқланган ўқув режасига асосан семестрда ўқитиладиган ҳафталар сони қанча килиб белгиланган?
10. Намунавий фан дастури нима ва у қандай бўлимларни ўз ичига олади?
11. Фаннинг ишчи дастури қайси хужжатлар асосида тузилади?
12. Фаннинг намунавий ва ишчи дастурлари орасида қандай фарқ бор?

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Беляков В. Д., Яфаев Р.Х., Эпидемиология. Дарслик. - М: Медицина, 1986г.
2. Елкин И.И. Эпидемиология, М. - 1979г.
3. Миртазаев О.М. «Эпидемиологиядан ўқув кўлланма», Тошкент – 2003г.
5. Усманов М.К. Эпидемиология Дарслик. Тошкент 1995г.
6. Усманов М.К., Глинянова Л.М., Желтяков Г.Н. и др. Методические указания к практическим занятиям по эпидемиологии для суб. ординаторов сангиг. факультета часть 1-2 Т. 1989
7. Ющук Н.Д., Жотова М.А., Бушуева В.В., Колесова В.Н. Эпидемиология Учебное пособие. - М.: Медицина, 1993.

8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992
9. Ўзбекистон Республикаси " Давлат Санитария назорати тўғрисида"ги қонуни 1992
10. Ўзбекистон Республикаси ССВнинг Буйруқлари, СанМваҚлари.
11. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. «Эпидемиология» Санкт-Петербург
12. Покровский В.И. с соавторами. «Руководство к практическим занятиям по эпидемиологии». М. – 2005г.

Қўшимча:

1. Справочник под ред. Н.А. Озерецковского, Г.И. Останина. -СПб: Издательство «Фолиант», 1998.
2. Внутрибольничные инфекции: руководство: Пер.с англ. / Под ред. Р. Венцеля-2-е изд., перераб. и доп.- М.: Медицина, 2004.
3. Контроль внутрибольничных инфекций / Под ред. Н.И. Брико - М.:
4. Мусабаева М.К. Руководство по эпидемиологии кишечных групп инфекций. Под редакцией Т.: Медицина, 1987.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Госпитал инфекцияларда эпидемик жараённинг ўзига хос хусусиятлари:

- А. ҳамма санаб ўтилганлар
- Б. қаршилиги пасайган беморлар
- В. ёпик хоналарда кун бўйи бир-бири билан яқин ва узоқ мулоқотда бўлиш
- Г. бир вақтнинг ўзида касалхонадан чиқарилган ва касалхонага ётқизилган беморлар бўлиши
- Д. госпитал инфекция чақирувчи микроблар популяциясининг ўзига хослиги

2. Касалхона ичи инфекциялари авж олишида етакчи сальмонелла сероварлари:

- А. S.abortus ovis
- Б. S.gallinarum-pullorum
- В. S.typhimurium
- Г. enteritidis
- Д. S.paratyphi A

3. Госпитал штаммларининг хусусиятлари:

- А. антибиотиксезувчанлик
- Б. антибиотикорезистентлиги, дезинфекцион воситаларга чидамлилиги
- В. барча дезинфекцион воситаларга сезувчанлиги
- Г. фақат хлор бирикмаларга сезувчанлиги
- Д. дезинфекцион воситаларга чидамсизлиги

4. Шахсий қўшинларга санитария ишлов бериш турлари:

- А. қисман дезинфекцион ишлов
- Б. қисман дегазацион ишлов
- В. қисман дезактивацион ишлов
- Г. қисман махсус ишлов, тўла махсус ишлов
- Д. қисман дезинсекцион ишлов

5. Ҳарбий қисмларда эпидемияга қарши чора тадбирларнинг мақсади:

А. касалликнинг олдини олиш ва тарқалишига йул қўймаслик

Б. штабдан олинган маълумотларни ўрганиш

В. топографик харитани ўрганиш

Г. зарарсизлантириш ишларини ташкил этиш

Д. душманнинг эпидемиологик вазиятини ўрганиш

6. Вирусли гепатит А ташхиси қўйилган бемор қандай кўрсаткичлар асосида касалхонага ётқизилади (тўғри жавобларни белгиланг):

А. касалхонага ётқизилмайди

Б. ҳар қандай ҳолатда касалхонага ётқизилади

В. клиник кўрсаткичлар асосида касалхонага ётқизилади

Г. эпидемик кўрсаткичлар асосида

7. Гада қўзғатувчининг асосий юқиш механизми:

А. Парентерал

Б. ҳаво-томчи

В. маиший мулоқат

Г. вертикал

Д. Фекал-орал

8. ВГВ, ВГС, ВГД билан касалланиб чиққанларга қандай чора-тадбирлар ўтказилади:

А. жисмоний оғир ишлардан 6-12 ойга озод қилинади

Б. 1 йил давомида армияда хизмат қилишдан озод қилинади

В. клиник соғайгандан 3 ойдан сунг профилактик эмлашлар зарур бўлганда ўтказилади

Г. 3 йил давомида армияда хизмат қилишдан озод қилинади

Д. жисмоний оғир ишлардан 2 йилга озод этилади

9. Гада асосий профилактик чора-тадбирлар:

А. дератизацион

Б. ветеринария-санитария

В. санитария-гигиеник

Г. эпизоотияга қарши

Д. Дезинсекция

10. Гепатит А касаллигида юқиш омилларини кўрсатинг:

А. бемор, касал хайвон, тупроқ

Б. ўйинчоқлар, Це-Це пашшаси

В. ҳаво, иқлим, фасллар

Г. тупроқ, уй пашшалари, ифлос қўллар

Д. Це-Це пашшаси

11. Мактабгача болалар муассасаларида гепатит А касаллигининг тарқалишида энг аҳамиятли йўлни кўрсатинг.

А. ҳаво-томчи

Б. парентерал

В. маиший-мулоқот

Г. трансмиссив

Д. вертикал

12. Га инфекциясидан сўнг ҳосил бўладиган иммунитет:

- А. инфекциядан сўнг доимий турғун иммунитет ҳосил бўлади
- Б. инфекциядан сўнги қисқа вақтли иммунитет ҳосил бўлади
- В. инфекциядан сўнги доимий турғун иммунитет ҳосил бўлиши тўлиқ ўрганилмаган
- Г. инфекциядан сўнги доимий турғун иммунитет ҳосил бўлмайди
- Д. инфекциядан сўнг сўнувчи иммунитет ҳосил бўлади

13. ГА - да хавфли гуруҳга киради:

- А. бактериологик лаборатория ходимлари
- Б. гемодиализ марказида ишловчи, жаррохлик ва юқумли касалликлар бўлими тиббий ходимлари
- В. қайта қон қуйдирган реципиентлар
- Г. касбидан қатий назар ҳамма катта ёшдагилар
- Д. мактаб ва мактабгача бўлган болалар муассасалари болалари

14. ГВ ташхиси қўйиш учун асос бўладиган серологик маркерни кўрсатинг:

- А. анти-НВ
- Б. РНК НВV
- В. НЕV IgM
- Г. НВsAg, анти-НВсIgM
- Д. анти-НСV

15. Трансфузиядан кейинги гепатитларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар ўтказилади:

- А. НВsAg мавжудлигига текширилади
- Б. HDV ва анти HDV га текширилади
- В. анти –HDV га текширилади
- Г. анти НВЕ га текширилади
- Д. АЛТ, АСТ анти-НАVIgM га текширилади

16. ВГВ инфекциясидан сўнг ҳосил бўладиган иммунитет:

- А. инфекциядан сўнг доимий турғун иммунитет ҳосил бўлади
- Б. инфекциядан сўнг қисқа вақтли иммунитет ҳосил бўлади
- В. инфекциядан сўнг доимий турғун иммунитет ҳосил бўлиши тўлиқ ўрганилмаган
- Г. инфекциядан сўнг доимий турғун иммунитет ҳосил бўлмайди
- Д. инфекциядан сўнг сўнувчи иммунитет ҳосил бўлади

17. ВГВ нинг юқтириш омиллари:

- А. интерферон, сўлак, нажас
- Б. қон, шахват, қин ажратмалари
- В. лимфа безлари, ошқозон ости безлари
- Г. тери, ифлос қўллар орқали
- Д. кўкрак сути, сув

18. ВГВда хавфли гуруҳлар кимлар ҳисобланади:

- А. қон ва унинг компонентлари билан мулоқотда бўладиган тиббий ходимлар
- Б. бак лаборатория ходимлари
- В. мактабгача бўлган болалар
- Г. коммунал хўжалик ходимлари

Д. талабалар

19. ВГВ нинг юқиш йўллари:

А. сув, чанг, парентерал

Б. фекал-орал, озик овқат

В. парентерал, жинсий, антинетал, постнатал

Г. перкутан, жинсий, постнатал

Д. аэрозол, ҳаво томчи, мулоқат

20. Гепатит В қўзғатувчилари қайси туркумга киради:

А. Герпивируслар

Б. Аденовируслар

В. Энтеровируслар

Г. Гепадновируслар

Д. ҳаммаси тўғри

21. Гепатит В нинг энг юқори қонцентрацияси нимада аниқланади:

А. сўлакда

Б. сийдикда

В. қонда

Г. спермада

Д. кўз ёшида

22. Гепатит В вирусининг вертикал юқиш эҳтимоли юқори бўлган даврни кўрсатинг:

А. туғилишдан олдинги даврда

Б. эмбрионал даврда

В. туғилиш вақтида

Г. туғилгандан кейин

Д. келтирилганларнинг барчасида

23. Вирусли гепатит А юқтирган инсон касалликнинг қайси даврида юқимли ҳисобланади:

А. касалликнинг авж олган даври

Б. инкубацион даврнинг охирида

В. продромал даврда

Г. реконвалесценц даврида

26. Вирусли гепатит С манбалари:

А. сут маҳсулотлари

Б. кўп маротаба ишлатилувчи тиббий асбоблар

В. кир қўллар, тупроқ

Г. ўйинчоқлар, хом гўшт

Д. Бемор одамлар

27. Гепатит С нинг юқиш хавфи қачон юқори ҳисобланади:

А. қон томирга наркотик юборишда

Б. тиббий муолажалар орқали

В. жинсий алоқа пайтида

Г. вертикал йўл орқали

Д. нозокомиал йўл орқали

28. ГЕ да хавфли гуруҳга киради:

- А. мактаб ва мактабгача бўлган болалар муассасалари болалари
- Б. гемодиализ марказида ишловчи, жаррохлик ва юқумли касалликлар бўлими тиббий ходимлари
- В. қайта қон қуйдирган реципиентлар
- Г. касбидан қаттиқ назар хамма катта ёшдагилар
- Д. бактериологик лаборатория ходимлари

29. ГЕ да юқиш механизми:

- А. Маиший –мулоқот
- Б. Фекал–орал
- В. ҳаво-томчи
- Г. Трансмиссив
- Д. Парентерал

30. Вирусли гепатит Е да йилик касалланиш динамикасини характерли хусусиятлари:

- А. мавсумийлик кам ўрганилган
- Б. қиш-куз ойларида мавсумийлик
- В. мавсумийлик йўқ
- Г. ёз-куз ойларида мавсумийлик
- Д. баҳор-ёз ойларида мавсумийлик

31. Вирусли гепатит Е да ўтказиладиган чора-тадбирлар:

- А. касални алоҳидалаш
- Б. сувни зарарсизлантириш
- В. профилактик эмлаш
- Г. режали чегаралаш чора-тадбирлар
- Д. ўчоқни дезинфекциялаш

32. Сальмонеллезлардан касалланиш чақирадиган сальмонеллезларнинг асосий сероварини кўрсатинг:

- А. S.anatum
- Б. S.enteritidis
- В. S.paratyphi A
- Г. S.typhi abdominalis
- Д. S.gallinarum-pullorum

33. Сальмонеллезларнинг умумий профилактикасида энг самарали чорани кўрсатинг:

- А. обсервацион, карантин чоралар
- Б. антибиотик профилактика қилиш
- В. шахсий гигиенага риоя қилиш
- Г. мулоқатда булганларни эмлаш
- Д. касалликни пасайтириш

34. Сальмонеллезларнинг профилактикасида самарали чорани кўрсатинг:

- А. мулоқатда бўлганларни вакцинацияси
- Б. мулоқатда бўлганларни антибиотикотерапияси
- В. мулоқотда бўлганларнинг фагопрофилактикаси
- Г. қайнатилган сувни ишлатиш
- Д. режали равишда лаборатория текширишларини ўтказиш

35. Сальмонеллезда касаллик манбаи бўлмайди:

- А. бемор одамлар
- Б. йирик шохли моллар
- В. майда шохли моллар
- Г. каналар
- Д. бактерия ташувчилар

36. Ўлат кўзғатувчиларининг юктирувчи омилларини кўрсатинг:

- А. каналар
- Б. пашшалар
- В. бургалар
- Г. искабтопар
- Д. чивинлар

37. Антропургик ўчоқларда ўлат манбаларини кўрсатинг:

- А. норвегия каламуши, уй каламуши, туя
- Б. каламушлар, бемор туя, суслик, қуёнлар
- В. сигир, қўй, эчки, от, қуёнлар
- Г. кучук, мушук, сичқон, суслик
- Д. олмахон, қуён, уй каламуши

38. Ўлатда зарарланган бурга неча кундан кейин атрофдагилар учун юқумли ҳисобланади:

- А. 6 кун
- Б. 4 кун
- В. 9 кун
- Г. 10 кун
- Д. 8 кун

39. Куйдиргига қарши вакцинани юбориш усули:

- А. тери остига
- Б. тери ичига
- В. венасига
- Г. мушак орасига
- Д. бурун оркали

40. Куйдиргига қарши вакцинани биринчи бўлиб ким топган:

- А. Кох
- Б. Л. Пастер
- В. Сальмон
- Г. Гиппократ
- Д. Гален

41. Куйдирги кўзғатувчисининг манбаи:

- А. касал одам
- Б. бактерия ташувчи
- В. ўтхўр ҳайвонлар
- Г. қушлар
- Д. кемирувчилар

42. Куйдирги касаллигига қарши эмлаш давомийлигини кўрсатинг:

- А. Эмлаш бир йилдан кейин ўтказилади

- Б. 2-маротаба 20-кун оралик билан
- В. 3-маротаба 35-кун оралик билан
- Г. Эмлаш 1-маротаба ўтказилади
- Д. қайта-қайта эмланади

43. Куйдирги касаллигининг тери шакли билан оғриган беморлар касалхонадан қачон чиқарилади:

- А. яра битгандан сўнг
- Б. клиник соғайгандан сўнг
- В. Эпидемиологик кўрсатма бўйича
- Г. тана ҳарорати нормаллашгандан сўнг
- Д. яра чандиқлангандан сўнг ва қазғоқ тушгандан сўнг

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- Юқумли касалликлар билан оғриган беморларни касалхонага ётқизиш қоидаларни айтиб беринг?
- Госпитал шароитларда эпидемик жараён ривожланишининг хусусиятларни нимада?
- Зооноз инфекцияларда эпидемик жараёнинг ривожланиш сабаблари?
- Эндемик ўчоқ нима?
- Организмнинг мойиллигига қарши қандай чора-тадбирлар олиб борилади?
- Аҳолининг касалланишини камайишида вакцинациянинг роли нимада?
- Юқумли касалликлар профилактикасида МСБ нинг аҳамияти нимада?
- Эпидемик жараённинг таърифи, тушунчаси ва унинг моҳияти?
- Ахборотларни йиғиш ва ишлов беришда махсус усулларнинг роли нимада?
- Аналитик, кузатиш ва экспериментал, ретроспектив ва динамика кузатишлар қачон олиб борилади?
- Таълим хақидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?
- Олий таълим нима?
- Бакалавриатура нима?
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори нима?
- Ўқув жараёни қайси ҳужжатлар асосида ташкил қилинади?
- Квалификацион характеристика нима?
- Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти нима?
- Ўқув режаси нима?
- Олий хамширалик иши таълим йўналишининг охириги тасдиқланган ўқув режасига асосан семестрда ўқитиладиган ҳафталар сони қанча килиб белгиланган?
- Намунавий ўқув режасига асосан олий хамширалик иши таълим йўналишида семестрдаги фан бўйича соатлар ҳажмини неча фоизгача ўзгартириши мумкин?
- Намунавий фан дастури нима ва у қандай бўлимларни ўз ичига олади?
- Фаннинг ишчи дастури қайси ҳужжатлар асосида тузилади?

- Фаннинг намунавий ва ишчи дастурлари орасида қандай фарқ бор?

ГЛОССАРИЙ

Эпидемиологияда ижтимоий омил-эпидемик жараёнга тезлаштирувчи ёки секинлатувчи таъсир кўрсатадиган, юқумли касалликлар кўзгатувчиларининг эволюцияси натижасида ишлаб чиқилган ўз-ўзини бошқариш механизмларининг намоён бўлишига тўсқинлик қилувчи ёки ёрдам берувчи ижтимоий муносабатлар, алоқалар йиғиндиси.

Эпидемиологияда табиий омил-ташқи муҳитдаги абиотик ва биотик элементларнинг йиғиндиси.

Эпидемия- спорадик даражадан ошиб кетадиган ёки илгари уша касаллик учрамаган жойда, юзага келадиган касалланиш.

Юқумли касалликлар – одамлар организмига тушган вируслар ва прокариотларнинг кўпайиши ва ҳаёт фаолияти натижасида пайдо бўладиган касалликлар. Касалликларнинг тури кўзгатувчининг тури билан белгиланади.

Юқумли касалликлар кўзгатувчилари - одамларда юқумли касалликлар кўзгатадиган микроорганизмлар, вируслар, прокариотлар, микоплазмалар, хламидиялар, риккетсиялар, бактериялар, спирохеталар.

Юқумли касалликлар таснифи-юқумли касалликларни илмий жиҳатдан гуруҳлаш. Юқумли касалликларнинг Халқаро статистик таснифи қабул қилинган. Юқумли касалликларнинг эпидемиологик таснифи учун кўзгатувчиларнинг филогенетик ва экологик яқинлиги белгиси асос қилиб олинади. Юқумли касалликларнинг эпидемиологик таснифи ушбу касаллик кўзгатувчисининг юқиш механизми ва кўзгатувчининг одам организмида жайлашган жойига асосланган.

АКМЕОЛОГИЯ - (акме – гуллаган давр, олий нуқта, юқори чўққи) – ўқитувчи фаолиятида юксак профессионаликка яъни касбий етукликка эришиш билан изоҳланади.

АКСИОЛОГИЯ - ижтимоий субъектлар яратган педагогик қадриятлар йиғиндисини ифодалаб, инсонни энг олий қадрият деб билади ва жамият ривожланишининг мақсади деб ҳисоблайди.

ДТС - таълим олувчи шахси эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал миқдори белгиланган меъёрий ҳужжат.

ИННОВАЦИЯ – янгилик, янги ғоя киритиш.

ИНТЕРФАОЛ МЕТОД – («inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини, ўқув ахборотларини ўзлаштириш жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантиришга, шунингдек, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга оширишга ёрдам берувчи чора-тадбирлар мажмуаси.